

# ФИЛОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

6



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# ФИЛОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

*6-китоб*

Таниқли адабиётшунос олим,  
филология фанлари доктори, профессор **РАҲИМ ЖЎРАЕВИЧ**  
**ВОҲИДОВ** таваллудининг 70 йиллигига бағишланган  
**ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
“Фан” нашриёти  
Тошкент – 2013

эмотив таснифлаш яъни, шахсий прагматик фаолият билан боғлиқ вазифани бажаради.

Шундай қилиб, сўз семантикасида денотатив (аташ) маъносидан ташқари коннотатив маъно ҳам мавжуд бўлиб, у тил сатхларининг барчасида (лексик, фонетик, морфологик, синтактик) да учрайди. Бу бирликларнинг ҳар бирида ифодаланган коннотатив маънолар ҳақида кейинги ишларимизда фикр юритамиз.

## ГЮСТАВ ФЛОБЕР ИЖОДИДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Г. Ҳожиева, БухДУ

*Чет тиллар кафедраси ўқитувчиси*

Маълумки, ўзликни англаш ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. [1,83-б] Ҳар бир ўрганилган тил инсон учун янги дунёни кашф этади. Зеро, бежизга доно халқимиз “Тил билган – эл билади” дея нақл қилмайди. Ана шу янги олам гўзалликларидан баҳраманд бўлишда таржиманинг ҳам ўрни бекиёсдир. Таржимада давр руҳини акс эттириш борасида ягона ўлчов, қонун-қоидалар бўлиши мумкин эмас. Бунда муаммони очиш, энг аввало, асл нусха характериға ҳамда таржимоннинг таржима жараёнида ўз олдига қўйган мақсадига боғлиқ. [8,147.б.] Шу нуқтаи назардан, мазкур ўринда ранглар воситасида ҳосил бўлган француз фразеологик бирлик (бундан кейин – ФБ)ларини рус ва ўзбек тилларида берилишининг қиёсий таҳлили акс эттирилган.

Француз адиби Гюстав Флобер қаламиға мансуб “*Madame Bovary*” (“Госпожа Бовари”, “Бовари хоним”) асари мазкур таҳлилнинг асосий объекти ҳисобланиб, унда келтирилган ибораларнинг фразеологик хусусиятлари қуйида очиб берилади.

Асарда “**Rouge**” яъни “Қизил” ранг билан ясалган отли, феълли, сифатли ва равишли ФБлар кўп учрайди. Масалан:

1. Аслиятда: *Néanmoins, il rougissait un peu de cette obligation.* [5,231.]

Рус тилида: Однако он краснел при одной мысли об этом долге. [10,211.]

Ўзбек тилида: Лекин қарз эсига тушса, баданидан тер чиқиб кетарди. [9,231.]

Ушбу мисолларда француз ва рус тилидаги ФБлар таржимаси таркибидаги образлар ўзаро мувофиқ келган бўлиб, ўзбек тилидаги ибора, гарчанд, бошқача ифодаланган бўлса-да, асл мазмуннинг стилистик моҳиятини бадиий тилға хос воситалар асосида ўзида тўла акс эттира олган. Бунда таржима тилларнинг миллий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, адекватликка асосланган, дейиш мумкин.

Француз тилида “Қизил” ранг маъносини фақат “Rouge” сўзи эмас, балки “**Rose**” (“**Пушти**” ранг) ҳам ифодалаши мумкин. Масалан:

2. Аслиятда: C’étaient de petits manuels par demandes et par réponses, des pamphlets d’un ton rogue dans la manière de M. De Maistre, et des espèces de romans à **cartonnage rose** et à style douceâtre, fabriqués par des séminaristes troubadours ou des bas-bleus repentis. [5,235.]

Рус тилида: Он прислал и учебники в вопросах и ответах, и злобные памфлеты в духе г-на де Местра, и нечто приторное, романообразное, в розовых переплётках, состряпанное сладкопевцами-семинаристами или же раскаявшимися **синими чулками**. [10,215.]

Ўзбек тилида: Улар ичида савол-жавобли ўқув китоби ва жаноб де Местр услубида ёзилган аччиқ памфлетлар ва **зангори пайпоқлар** томонидан чалакам-чатти ёзилган, пушти муқовалик чучмал, роман-симон китоблар бор эди. [9,235.]

Ушбу Фблар таҳлили куйидагича:

– Биринчидан, “rose” (“пушти” ранг ёки “қизил” ранг) сўзи рус тилида “синий”, ўзбек тилида “зангори” ранглари билан алмаштирилган.

– Иккинчидан, “синий чулок” ибораси луғатда “илмга берилиб, хотин-қизларга хос назокатини йўқотган аёл” [6, –с.418.] тарзида изоҳланса, ушбу ибора асарнинг ўзбекча таржимасида “ўзини олима деб билувчи калтафаҳм хонимлар” [9,235.б.] деб келтирилади.

Юқоридаги фактлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, фразеологизмлар ҳам лексик бирликлар каби маъно англатиш хусусиятига эга. Тил амалиётида улар англатадиган маънолар қандай бўлса, гап таркибида ҳам шундай маъно англатиши зарур.[2,282-б.] Юқоридаги мисоллар таржимасида ушбу қоидадан биров четга чиқилган.

3. Аслиятда: **La nuit était noir.** [5,27.]

Рус тилида: Ночь была тёмная. [10,41.]

Ўзбек тилида: Тун қоронғи эди. [9,18.]

4. Аслиятда: **Le jour était blanc.** [5,192.]

Рус тилида: День был солнечный. [10,178.]

Ўзбек тилида: Кун серкуёш эди. [9,191.]

Фразеологияда антонимия ҳодисасини таҳлил қилиш мантикий жихатдан қарама-қарши тушунчаларга эга бўлган Фблар маъносини қарама-қарши қўйишга асосланади. Шунга кўра ҳар қандай тил бирлигининг мазмуни унинг ички мантикий мазмуни ўртасидаги мажбурий боғлиқлик мавжудлигини келтириб чиқаради.[7, –с.37–38.] Юқоридаги ибораларда Фблар бор мазмуни билан қарама-қарши маъно англатиб келган.

Асарда энг кўп қўлланган ранглардан бири – бу “**Blanc**” – “**Оқ**” ранг бўлиб, у ўзи бирикиб келган сўзлар билан ясаган иборалар орқали бир неча хусусиятларни акс эттирган. Масалан:

5. Аслиятда: Il faisait beau; c’était un de ces jours du mois de mars clairs et après, où le soleil reluit dans **un ciel tout blanc.** [5,321.]

Рус тилида: Погода стояла прекрасная. Был один из тех ясных и свежих мартовских дней, когда солнце сияет на **белом-белом небе.** [10,288.]

Ўзбек тилида: Ҳаво жуда ажойиб, кун **бўздай осмонда** чараклаб турадиган март ойининг очиқ ва салқин кунларидан бири эди. [9,327.]

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, гап баҳор фасли ва ундаги табиат тасвирига бағишланган. Шу ўринда ўзбек таржимони осмоннинг тиниклигини “бўздай” деб эмас, “мусаффо”, “ёп-ёруғ”, “тиник” деб берганда таржима чиройлироқ янграб эди.

6. Аслиятда: Elle était pâle partout, **blanche comme du linge**. [5,143.]

Рус тилида: Она всегда была **бледна, бела, как полотно**. [10,137.]

Ўзбек тилида: Унинг ҳеч **ранги чиқмасди**. [9,141.]

Ажратиб кўрсатилган рус ва француз тилидаги ибораларда образ яқинлиги кузатилади ҳамда ФБ таркибида ранг иштирок этган. Ўзбек таржимони ўғирмани “ранги чиқмасди” кўринишида изоҳлаб, бошқача йўл тутди. Аслида “**ранги чиқиб қолди**” ФБги “хасталикдан кейин юзига қон юришиб, соғлом киши қиёфасига қайта бошламок” [3,224.б.]ни англатади. Шунинг учун ҳам бизнингча, бу ўринда кишидаги доимий ҳолатни ифодаловчи “унинг рангида қон йўқ эди”, “у докадай оқариб кетган эди” [3,224.б.] сингари иборалардан фойдаланиш ҳам маъно, ҳам услубий жиҳатдан тўғри танловдир.

Ҳамиша “бир танганинг икки томони” бўлиб келган оқ ва қора ранглар ҳаётнинг асосий чизгиларини намоён этади. Шу боисдан “**Қора**” ранг билан боғлиқ ФБлар таҳлили ҳам келтирилди.

7. Аслиятда: Pendant tout l’hiver, trois ou quatre fois la semaine, **à la nuit noire**, il arrivait dans le jardin. [5,187.]

Рус тилида: Всю зиму он раза три-четыре в неделю **глухою ночью** приходил к ней в сад. [10,174.]

Ўзбек тилида: Родольф бутун киш бўйи ҳафтада уч-тўрт марта **ярим кечада** унинг боғига келарди. [9,186.]

Айтиш мумкинки, барча иборалар ўз тил меъёрларидан келиб чиқиб, ўзига хос маънолар касб этган, жумладан:

- **la nuit noire** – зимистон, зим-зиё тун; [11, –р.65.]
- **глухая ночь** – жимжит тун, [4, –с.207] сокин кеча;
- **ярим кеча** – қоқ тун.

Гарчанд ушбу ФБлар уч хил маъно англатсада, улар контекст моҳиятига кўра ягона мазмунни ифодалашга хизмат қилаётир.

**Хулоса ўрнида:**

1. Иборалар турли сўз туркумларидан ҳосил бўлиб, ҳолат, вазият, ҳис-туйғу, замон, хусусиятни ифодалашда, ҳатто атоқли отлар ясашга хизмат қилади.

2. Турли тилларга хос фразеологизмларни ўзаро қиёслашда таржиманинг аҳамияти бекиёс ва у тиллараро коммуниативлик вазифасини бажаради.

3. Баъзи ҳолларда ФБларнинг лексик ва грамматик таркиби ўзгаргани билан, маънолари ўзгармайди.

4. Фразеологизмларни ҳосил қилишда ўхшатиш (индивидуал ва турғун) усулидан ҳам кенг фойдаланилади.

5. Инсон тана аъзолари билан боғлиқ ранглар воситасида

ясалган Фблар энг кенг тарқалган ва кўп қўлланиладиган иборалар ҳисобланади.

6. Фразеологизмларнинг синтактик тузилишига кўра отли ва феълли, семантик нуқтаи назардан, синонимик, антонимик ва полисемантик хусусиятлари таҳлили ушбу ибораларнинг асосий қисмини феълли иборалар ташкил этишини кўрсатади.

7. Ўрганилган Фблар таржимада баъзан француз ва рус тилларидаги Фблар образлилик жиҳатидан бир-бирига яқин бўлса, баъзан француз ва ўзбек тилидаги иборалар вариантлашган, баъзи ҳолатларда эса умуман бошқа-бошқа образлар воситасида акс эттирилган.

8. Фблар таржимада ҳар доим ҳам фразеологизмлар билан ифодаланмай, ибора мазмунига яқин бошқа сўз, сўз бирикмалари ёки гап билан ҳам ўгирилиши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., Маънавият, 2009. 83 б.
2. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Фил.ф.док...дис.: 10.02.02. Ўзб.ФА Тилишунослик институти. –Т., 1991. 282 б.
3. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик лугати. Қомуслар Бош таҳририяти. –Т., 1992. 224 б.
4. Русско-узбекский словарь. I том. Институт языка и литературы им. А.С. Пушкина. –Т., 1984. –С.207
5. Flobert G. Madame Bovary. M., Editions en langues étrangères, 1956.
6. Русско-узбекский словарь. II том. Институт языка и литературы им. А.С. Пушкина. –Т., 1984. –С.418.
7. Тираспольский Г.И. Система языка и системность в языке // Филологические науки. –М., 1999, №6. –С. 37–38.
8. Ўрмонова Н.М. таржимада тарихий-архаик лексикани акс эттириши принциплари ва таржима аниқлиги. Филол.ф.ном.дисс... –Т, 2008. 147 б.
9. Флобер Г. Бовари хоним. Ҳ.Зиёхонова тарж.. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
10. Флобер Г. Госпожа Бовари. Перевод Н. Любимова, М., ХЛ, 1983.
11. Французча-ўзбекча лугат. Тузувчилар Х. Ибрагимов ва б. Nihol. –Т., 2008. –Р.65.

|                                                                                                                                             |            |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|
| <b>S.Sh.Pulatova.</b> The expression of virtue through evil in the story "A Friend in Need" by William Somerset Maugham.....                | 238        |
| <b>S.Sh.Pulatova, N.N.Xoliqova.</b> Kristofer Marlning "Sohibqiron Temur" ("Tamburlaine the Great") fojeasida oilaviy rishtalar tasviri.... | 240        |
| <b>З.И.Расулов.</b> Фонетические изменения в ракурсе принципа экономии языка.....                                                           | 243        |
| <b>М.Рахматова.</b> Инглиз тилида "Face" сўзининг маънодошлик қатори тахлили.....                                                           | 246        |
| <b>Х.Х. Umurova.</b> Ingliz tili darslarida tinglab tushunish mashqlari va ularning samaradorligi .....                                     | 249        |
| <b>N.R.Qurbonova, N.Xoliqova.</b> Vilyam Shekspirning "Hamlet" asarida ayol obrazi.....                                                     | 252        |
| <b>А.А.Ҳайдаров.</b> Сўзнинг денотатив ва коннотатив маънолари.....                                                                         | 254        |
| <b>Г.Ҳожиева.</b> Гюстав Флобер ижодида фразеологизмларнинг тутган ўрни .....                                                               | 257        |
| <b>5-БУЛИМ. ПЕДАГОГИКА ВА МЕТОДИКА МАСАЛАЛАРИ .....</b>                                                                                     | <b>261</b> |
| <b>Х.Ш.Ахмедова.</b> Педагогика маҳоратини эгаллаш муаммолари ....                                                                          | 262        |
| <b>В.Т. Бабаева.</b> Баркамол шахсни тарбиялашда диний кадриятларимизнинг аҳамияти.....                                                     | 264        |
| <b>Г.А.Исаева.</b> Современные технологии обучения в начальной школе в контексте гуманизации образования.....                               | 267        |
| <b>М.Махмурова.</b> Zamonaviy dars xud o'quvchilarda muloqot madaniyatini rivojlantirish asoslari.....                                      | 269        |
| <b>M.R.Mirzayeva.</b> Adabiy ta'lim va uy vazifasi .....                                                                                    | 270        |
| <b>Z.Muqimova.</b> Ona tili darslarida qiziqarli topshiriqlardan foydalanish ....                                                           | 273        |
| <b>M.Ne'matova.</b> Bilimlarning jamoatchilik ko'rigi darsi .....                                                                           | 274        |
| <b>Z.Oqmatova.</b> Ona tili darslarida "Vena diagrammasi"dan foydalanish.....                                                               | 275        |
| <b>Н.Н.Розикова.</b> Лингвокультурологические аспекты преподавания русского как иностранного.....                                           | 278        |
| <b>R.Saidova.</b> Ona tili darslarida o'yinlardan foydalanish .....                                                                         | 280        |
| <b>G.Hamdama.</b> Ingliz tilini o'qitishda modeli dars bosqichlarining ahamiyati.....                                                       | 282        |
| <b>G.Hamdama.</b> Chet tilini noan'anaviy darslar orqali o'rgatish .....                                                                    | 284        |
| <b>S.Samadova.</b> Fikrlash imkoniyatini beruvchi omillar .....                                                                             | 285        |
| <b>D.Umarova.</b> Til o'rgatishda zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish.....                                                     | 288        |
| <b>С.Яхшиева.</b> Коллеж ва лицей ўқувчиларининг сўз бойлигини ошириш.....                                                                  | 290        |